

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Кўқон шахар “Азизтепа” МФЙга қарашли Мехржон кўчаси худудида яшовчи 150 нафар ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қўйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### И ч им ли к сув б ў й и ч а

Кўқон шахар “Азизтепа” МФЙга қарашли Мехржон кўчаси бир кунлик сув сарфи 33750 м<sup>3</sup> хисобланиб, уланиш нуқтаси. “Азизтепа” МФЙга қарашли Истиқлол кўчасида мавжуд назорат қудуғидан полиетилен бўлган диаметри Ø=110мм атмосфера босими 0.5 АТМ қувурдан хамда лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан жами узунлиги 0.5 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК, КМК хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини курилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хulosса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқишида тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хulosалари олингандан сўнг, курилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари курилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча курилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.


Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Кўқон шахар бўлими бошлиғи:




А.Гаюбназаров

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Кўқон шахар бўлими бош муҳандиси:



Ш.Касимов

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Кўқон шахар ИЧБ бўлими бошлиғи:



Э.Саидхонов